
Ташаббус натижасида "Янги" маҳалласининг 3 километрга яқин кўчалари равон бўлди

"Ташаббусли бюджет" лойиҳасининг [иккинчи босқичида](#) "Янги" маҳалласининг таъмирга муҳтож бўлган ички йўлларни таъмирлаш билан боғлиқ ташаббуслари 2 252 та овоз билан ғолиб деб топилган.

"Фуқаролар ташаббуси" жамғармасидан 1 млрд 146 млн сўмдан зиёдроқ маблағ эвазига Кимсанобод қишлоғида 300 метр, Янги қишлоғи Истиқлол-1 кўчасида 500 метр, Истиқлол-2 ва Шифокор кўчаларида 500 метр, Шодлик-1 кўчаси 400 метр, Ёшлик-4 кўчаси 250 метр, Ёшлик-6 кўчаларида 400 метр, Сурпа қишлоғида 600 метр ички йўллар асфальтланди.

Маълумот ўрнида: Фурқат туманида "Ташаббусли бюджет" лойиҳасининг [иккинчи босқичида](#) 8 та лойиҳа ғолиб деб топилган бўлиб, жами 9000 метрга яқин ички йўлларни асфальтлаш ишлари олиб борилган.

2023-03-28 15:07:03